

Я Р А Ш У В Т Ў Г Р И С И Д А А Ж Р И М

2021 йил январь ойининг 14 куни жиноят ишлари бўйича Боғдод туман суди ўзбиносида, очик суд мажлисида, судья О.Мирсадиковнинг раислигида, У.Қорабоевнинг котиблигида, тарафлардан Боғдод туманпрокурори М.Назаров, судланувчи М.Икромовнинг ҳимоячиси “Ҳимоя қудрати” адвокатлик фирмаси адвокати М.Мирзаев, судланувчи М.Икромов, жабрланувчи Н.Турдиева, М.Қодирова, С.Сиддиқов ва фуқаровий даъвогар Н.Машраповларни иштирокида,

Икромов Мироббосжон Саъдуллажон ўғли (Ikromov Mirobbosjon Sa'dullajon o'g'li) - 1996 йил 03 январь кунида Бувайда туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, ишламайди, оилали, 1 нафар фарзанди бор, судланмаган, ишламайди, эҳтиёт чораси тариқасида муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2020 йил 23 декабрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан судланувчига оид 1-1507-2001/156-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи М.Икромов 2020 йил 20 ноябрь куни соат 08.30 да С.Сиддиқовга тегишли бўлган “Nexia-3” русумли 400 528 РА давлат рақам белгилли автомашинани бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларсиз Боғдод тумани Каримбобо қишлоғидаги ички йўлдан бошқариб келиб, асосий йўл хисобланган “А-373Б” автомобиль йўлини кесиб ўтишдан аввал ўзининг йўналишига ўрнатилган 2.5 “тўхтамасдан ҳаракатланиш таъқиқланади” йўл белгиларига амал қилмасдан, амалдаги йўл ҳаракати қоидаларининг 7-бандида кўрсатилган “механик транспорт воситасининг ҳайдовчиси қуйидагиларни ёнида олиб юриши шарт: ...вақтинчалик бошқарув ҳуқуқини берувчи талонни, ...транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисини...2 деган қоидани, 77-бандида кўрсатилган: “Ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-хаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни хисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши керак. Тезлик ҳайдовчига ушбу Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак. Ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиш



имкониятидаги хавф юзага келса у транспорт воситасининг тезлигини тўла тўхтатишни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак” деган қоидани ва 104-бандида кўрсатилган: “тенг аҳамиятга эга бўлмаган йўллар кесишган чорраҳада иккинчи даражали йўлдан ҳаракатланаётган транспорт воситасининг хайдовчиси асосий йўлдан яқинлашаётган транспорт воситаларига уларнинг кейинги ҳаракат йўналишидан қатъий назар йўл бериши керак” деган қоидани кўпол равишда бузиб, асосий йўлда Янгиқўрғон шаҳарчаси томондан Каримбобо кишлоғи томонга қараб ҳаракатланиб келаётган Н.Машраповнинг бошқарувида бўлган “Damas” русумли 40 W 781 DA давлат рақам белгили автомашинани ўтказиб юбормасдан чорраҳани кесиб ўтиши натижасида, асосий йўлда ҳаракатланиб келаётган “Damas” русумли 40 W 781 DA давлат рақам белгили билан тўқнашиб кетган. Тўқнашув натижасида “Damas” русумли 40 W 781 DA давлат рақам белгили автомашина йўловчилари Н.Турдиева ва М.Қодировалар тан жароҳати олган.

Ўтказилган судга оид тиббий экспертизанинг 26.11.2020 йилдаги №1865-сонли хулосасида Н.Турдиевада, ўнг оёқ 5-бармоқ асос фалангаси суягини ёпиқ силжимай синиши ва шу соҳа юмшоқ тўқималарини лат ейиши каби жароҳатлари мавжудлиги, бу тан жароҳатлар 21 кундан кўп аммо 4 ойдан ортиқ бўлмаган муддатга соғлиқни бузилишига олиб келган ўрта оғир шикастлар тоифасига киришлиги кўрсатилган.

Боғдод туман прокурорининг 2020 йил 23 декабрдаги айблов далолатномасига кўра, судланувчи М.Икромовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят ишини мазмунан ҳал қилиш учун судга юборилган.

Судланувчи М.Икромов суд мажлисида ариза тақдим этиб, у ўз аризасида айбига тўлиқ иқроп эканлигини, қилмишидан пушаймонлигини, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлигини, жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогардан кечирим сўраганлигини, унга етказилган зарарни тўлиқ тўлаганлигини кўрсатиб, ўзига нисбатан юритилаётган жиноят ишини ярашув битимига асосан ҳаракатдан тугатишни сўради.

Жабрланувчи Н.Турдиева суд мажлисига ярашув тўғрисидаги ариза тақдим этиб, судланувчи М.Икромовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, судланувчи ундан кечирим сўраганлигини, етказилган зарар тўлиқ тўланганлигини, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини кўрсатиб, М.Икромовга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашув битимига асосан ҳаракатдан тугатишни сўради.

Жабрланувчи Н.Турдиева суд мажлисига ярашув тўғрисидаги ариза тақдим этиб, судланувчи М.Икромовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, судланувчи ундан кечирим сўраганлигини, етказилган зарар тўлиқ тўланганлигини, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни



тушунганлигини кўрсатиб, М.Икромовга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашув битимига асосан ҳаракатдан тугатишни сўради.

Жабрланувчи М.Қодирова суд мажлисига ярашув тўғрисидаги ариза тақдим этиб, судланувчи М.Икромовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, судланувчи ундан кечирим сўраганлигини, етказилган зарар тўлиқ тўланганлигини, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини кўрсатиб, М.Икромовга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашув битимига асосан ҳаракатдан тугатишни сўради.

Жабрланувчи С.Сиддиқов суд мажлисига ярашув тўғрисидаги ариза тақдим этиб, судланувчи М.Икромовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, судланувчи ундан кечирим сўраганлигини, етказилган зарар тўлиқ тўланганлигини, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини кўрсатиб, М.Икромовга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашув битимига асосан ҳаракатдан тугатишни сўради.

Фуқаровий даъвогар Н.Машрапов суд мажлисига ярашув тўғрисидаги ариза тақдим этиб, судланувчи М.Икромовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, судланувчи ундан кечирим сўраганлигини, етказилган зарар тўлиқ тўланганлигини, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини кўрсатиб, М.Икромовга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашув битимига асосан ҳаракатдан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агару ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд жабрланувчи Н.Турдиева, М.Қодирова, С.Сиддиқов, фуқаровий даъвогар Н.Машраповларва судланувчи М.Икромовнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Боғдод туманпрокурори М.Назаров ва ҳимоячи М.Мирзаевларнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, судланувчи М.Икромовнинг айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчилар, фуқаровий даъвогарва судланувчиларга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув судланувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга асосан тушишини инобатга олиб, М.Икромовга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга суд жабрланувчи Н.Турдиевага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг, умазкур иш бўйича иш юритишни қайта



тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Шунингдек суд, судланувчи М.Икромовга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишни ҳамда гаровга қўйилган 55.350.000 сўмлик “Nexia-3” русумли 400 528 РА давлат рақам белгили автомашинани гаровга қўювчи М.Икромовга қайтаришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан Икромов Мироббосжон Саъдуллажон ўғлининг жиноят иши жабрланувчи Н.Турдиева, М.Қодирова, С.Сиддиқов ва фуқаровий даъвогар Н.Машраповбилан ярашганлиги сабабли айб依лик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан ҳаракатдан тугатилсин.

М.Икромовга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин ҳамда гаровга қўйилган 55.350.000 сўмлик “Nexia-3” русумли 400 528 РА давлат рақам белгили автомашина гаровга қўювчи М.Икромовга қайтарилсин.

Ажримдан норози томонлар ажрим эълон қилинган кундан бошлаб 10 (ўн) сутка ичида хусусий протест ёки шикоят келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи:

О.Мирсадиқов

